

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЭРГАШЕВ БОБИРЖОН БОХОДИРОВИЧ**

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ  
КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК  
СТРАТЕГИЯСИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ**

**13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора педагогических наук  
(DSc)**

**Contents of dissertation of the Doctor of Pedagogical Sciences (DSc)**

**Эргашев Бобиржон Боходирович**

Профессионал таълим йўналиши талабаларини касбий фаолиятга  
тайёрлашнинг педагогик стратегиясини лойиҳалаштириш.....3

**Эргашев Бобиржон Боходирович**

Проектирование педагогической стратегии подготовки студентов к  
профессиональной деятельности в профессиональном образовании.....33

**Эргашев Бобиржон Боходирович**

Development of a pedagogical strategy for preparing students for professional  
activities in vocational education.....65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....70

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЭРГАШЕВ БОБИРЖОН БОХОДИРОВИЧ**

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ  
КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК  
СТРАТЕГИЯСИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ**

**13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2021.1.DSc/Ped208 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.ipitvet.uz](http://www.ipitvet.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Исмаилова Зухра Карабаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Муслимов Нарзулла Алиханович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Мирсолиева Мухаббат Тўхтасиновна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Қаҳҳоров Сиддик Қаҳҳорович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Гулистон Давлат Университети**

Диссертация ҳимояси педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17; факс: 246-90-37, e-mail: [pedagogikinnovasiyalar@edu.uz](mailto:pedagogikinnovasiyalar@edu.uz)).

Диссертация билан педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17; факс: 246-90-37).

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2022 йил \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Р.Х.Джураев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис ўринбосари, п.ф.д., академик

**С.Ю.Ашурова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.н., профессор

**Қ.Т.Олимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида таълим парадигмаларини рақамли технологиялар асосида такомиллашиб, янгиланиб бораётганлиги таълимда янги педагогик стратегияларни қўллашни ва стратегик тактикаларни аниқ белгилаб олишни тақазо этмоқда. Бунда, фан ва ишлаб чиқариш секторларининг интеграцияси, илмий-техник ахборотлар, илмий-инновацион ғоялар, стартап лойиҳаларнинг шиддат билан ривожланиши ва янги босқичга кўтарилиши, касбий фаолиятнинг турлари кенгайиши ва касбий стандарт талабларини тобора такомиллашиб бориши ҳамда мунтазам динамик ўзгариши намоён бўлмоқда. Таълимда янги педагогик стратегияларни қўлланиши бўйича АҚШ, Европа, Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Япония каби давлатларнинг таълим тизими жаҳон рейтингда етакчилик қилмоқда. Шу боис, TOP-1000 таликка кирган етакчи олий таълим муассасаларининг мутахассислари рақобатбардошлилиги, ишлаб чиқариш соҳаси, ўзининг мутахассислиги бўйича зарурий компетенцияларга эгаллиги билан халқаро меҳнат бозорида талабгорлиги билан алоҳида ажралиб туриши аҳамиятлидир.

Жаҳон педагог олимлари ва амалиётчиларининг педагогик назарияларига кўра, олий профессионал таълимда талабаларнинг касбий фаолиятга тайёргарлигини ривожлантиришда таълимнинг узвийлиги-узлуксизлиги, мантиқийлиги ва эҳтиёжга асосланганлиги, таълим тизими фаолиятининг самарадорлиги таълим олувчининг педагогик-психологик, иқтисодий-ижтимоий, индивидуал қобилиятларини инобатга олган ҳолда билим беришнинг турли ҳилдаги усул, воситаларини қўллаш орқали, унинг яширин қобилиятларини тўлиқ рўёбга чиқариш учун техника-технология, ижодий муҳит ва таълим маконини яратиш билан узвий боғлиқдир. Шу сабабли, профессионал таълимда ўқитишнинг узвийлигини таъминлаш, ўқув-билиш жараёнларини ривожлантириш ва ихтисослик фанлар мазмунини амалий кўникмаларга йўналтириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистонда олий таълим тизимига доир ислохотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”<sup>1</sup> тасдиқланди. Концепцияда “таълимнинг узлуксизлигига эришиш мақсадида умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим дастурларининг уйғунлиги ва изчиллигини таъминлаш”, “гуманитар ва педагогик йўналишларда мутахассислар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, педагогик таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, мазкур йўналишда таҳсил олаётган талабаларда таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларини шакллантириш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, ҳудудлардаги барча умумтаълим мактабларига

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/4545884>

хорижий тилларни ўзлаштирган, юқори малакали профессионал педагог мутахассисларни етказиб бериш” масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. “Ҳозирги вақтда дунё миқёсида рақобат қандай кескин тус олиб бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм фан, юқори технологиялар ва инновацион ютуқларни кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера оламиз”<sup>2</sup>. Бундан келиб чиқадики, олий таълим тизимида бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларида ўқитишнинг сифати, самарадорлиги, мутахассисларни юқори интеллектуал салоҳияти ва уларнинг касбий компетенциясини таъминлаш ҳамда меҳнат бозорида муносиб ўрнини топишида замонавий таълим тенденциялари билан уйғунлаштирилган педагогик стратегияларни лойиҳалаш ва амалиётга татбиқ этиш муҳим саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

<sup>2</sup> Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021.464 бет.

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи The role of vocational education and training curricula in economic Development George S. Mouzakitis doi:10.1016/j.sbspro.2010.03.616, Managing the development of training of competitive professionals in vocational educational institutions University of Management Education, 52-A Sichovyh Striltsiv Str., Kyiv, 04053, Ukraine KryvyiRih Professional Mining and Technology Lyceum, Elistynska Str., KryvyiRih, 50053, Ukraine ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

Замонавий шароитда профессионал таълим йўналиши талабаларининг касбий фаолиятга тайёргарлигини педагогик–стратегик лойиҳалаш асосида ривожлантиришнинг методологик ва илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, педагогик жараёнда ўқитувчиларни рақамли технологиялар, мультимедиа, илғор педагогик технологиялар бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, талабаларда касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш бўйича Scientific and Cultural Organization (UNESCO), International Project on Technical and Vocational Education (Германия), Educational Organization e-DEKA, Aghioi Theodoroi (Almyra), Korinth Greece(Греция), Dubnica Institute of Technology in Dubnica nad Váhom Slovakia(Словакия), University of Management Education(Украина), Gazi University(Туркия), Universitas Negeri Malang, Таълим академияси (Россия), Тошкент давлат педагогика университети (Ўзбекистон) каби олий таълим муассасаларида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Профессионал таълим йўналиши талабаларининг касбий – педагогик тайёргарлигини стратегик лойиҳалаш асосида такомиллаштириш муаммоси бўйича қуйидаги илмий натижаларга эришилган: профессионал таълимда ўқитишнинг илғор усуллари ва битирувчиларнинг касбий компетенцияларини рақамли технологияларнинг интеграциялаш асосида ривожлантирилган (Scientific and Cultural Organization (UNESCO)); техника соҳалари бўйича битирувчиларнинг касбий фаолиятга тайёрлигини ва ўқитиш воситалари асосида ишлаб чиқариш секторидаги иш берувчиларни битирувчиларнинг касбий компетенциялари ривожланганлигини ташхисловчи механизмлари такомиллаштирилган (University of Management Education), шунингдек, Наманган муҳандислик-технология институти (Ўзбекистон).

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Профессионал таълимнинг шаклланиши ва ривожланиш жараёни, қонуниятлари ва тенденциялари ҳамда таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш, касбий компетенцияларни шакллантириш муаммолари Р.Х. Джураев, Ш.Э. Қурбонов, А.Р. Ходжабоев, У.И. Иноятов, З.К. Исмаилова, Н.А.Муслимов, Қ.Т. Олимов, Ш.С. Шарипов, С.Ю.Ашурова, М.Б.Уразова, Д.О.Химматалиев, О.А. Қўйсинов<sup>4</sup> ва бошқа

---

<sup>4</sup> Джураев Р.Х, Турғунов С.Т. Таълим менежменти. - “Voris-Nashriyot” нашриёти, 2006. - 264 б., Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. дисс. ... док.пед.наук - СПб.: 1995. - 43 с., Курбонов Ш, Сейтхалилов Э. Таълим сифатини бошқариш. Т.: Турон-Иқбол, 2006. - 542 б., Курбанов Ш.Э. Социально педагогические особенности национальной модели и программы по подготовке кадров. Дис. ... доктора пед. наук. – Ташкент: УзНИИПН, 2000. – 527 с., Ходжабоев А.Р, Хусанов И. Профессионал таълим методологияси. - Т.: “Фан ва технология”, 2007. - 192 б., Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Педагогик технологиялар. – Т.: Fan va texnologiya, 2012, 300 б., Шарипов Ш.С. Касб-хунар таълими тизимида ўқувчилар ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришнинг узлуксизлиги. Монография. - Т.: “Фан”, 2005. - 136 б., Уразова М.Б. Бўлажак профессионал таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш: Пед. фан.док....дисс. автореф.-Т.: 2015. - 21 б., Уразова М.Б. Теория и практика подготовки будущего педагога профессионального образования к проективной деятельности: Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора педагогических наук. – Ташкент, 2012, Муслимов Н.А ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. Монография. – Т.: “Фан ва технология”, 2013. - 128 б., Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари. Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – 70 б.

махаллий педагог олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Таълим жараёнида ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиб ўқитиш бўйича А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, Ф.М.Закирова, Ж.А.Ҳамидов, О.Х.Туракулов<sup>5</sup> каби олимлар илмий-тадқиқотлар олиб борганлар.

Шахсинг касбий компетенцияларни эгаллаши орқали рақобатбардошлигини ошириш муаммолари, шахсий компетенцияларни ўрганиш ва унинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда ривожлантириш масалалари бўйича С. Брю, К. Макконелл, Дж. Робинсон, Дж.Кейнс, А. Курно, Э. Шостр Р. Кэттел, Дж. Грейсон, К. Роджерс, Дж. Дьюи, А.Маслоу, Р. Мартенс, К. Делл, Ж.Ф. Лиотар<sup>6</sup> каби олимлар илмий-тадқиқот олиб боришган.

Таълим назариясида “педагогик стратегия”нинг илмий-педагогик масалаларини ўрганиш бўйича Ю.И.Архипова, Е.В.Барбашина, Г.Ф.Гали, И.Е.Емельянова, Е.В.Лопаткин, П.А.Петряков, Р.В.Смирнов, Н.В.Харина, Е.Н.Хабутдинова, Р.А. Эльмурзаева<sup>7</sup> ва бошқа олимлар илмий изланишлар олиб борганлар.

Педагогик жараёнда стратегик ёндашувларни таълим тизимида жорий қилиш бўйича кўпгина илмий тадқиқот ишлари мавжудлигига қарамай ҳозирга қадар профессионал таълим йўналиши талабаларининг касбий фаолиятга тайёргарлигини педагогик-стратегик лойиҳалаш ечимлари етарли даражада ўрганилган эмас.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Жиззах политехника институтининг

---

<sup>5</sup> Абдуқодиров А.А. ва бошқалар. Ахборот технологиялари. - Т.: Ўқитувчи. 2002. - 133 б., Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. П. ф. д. ...дисс. - Т.: 2007. - 305 б. Закирова Ф.М. Теоритические и практические основы методической подготовки будущих преподавателей информатики в педагогических вузах: Автореф.дис...док.пед.наук. - Т.: ТГПУ, 2008. - 42 С., Туракулов О.Х. Ахборотлаштирилган таълим муҳитида кичик мутахассислар тайёрлашнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш: Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2017. – 67 б.

<sup>6</sup> Макконелл К.Р, Брю С.Л. Экономикс. Учебник. -М.: ИНФРА - М. - 2003. - 972 С., Робинсон Дж. Теорема Эйлера и проблема распределения // Вехи экономической мысли. Том 3. Рынки факторов производства. Под общ. ред. В. М. Гальперина. СПб: Экономическая школа, 2000., С., Кэттелл Р. Психология индивидуальности. Факторные теории личности. / Р. Кэттелл, Г. Айзенк, Г. Оллпорт. – М.: Прайм–Еврознак, 2007. – 128 С., Грейсон Дж, Делл К. Американский менеджмент на пороге XXI века. Экономика, 1991. - 320 С., Роджерс К.К наука о личности // История зарубежной психологии. [Пер. с англ.]. – М.: Академический проект, 2003. - С. 685 - 714., Маслоу А.Г. Мотивация и личность. // Серия «Мастера психологии». 3–е изд. СПб.: Питер, 2010. – 352 С., .

<sup>7</sup> Архипова, Ю.И. Педагогические стратегии организации образовательной речевой коммуникации младших школьников Автореф.дис...док.пед.наук. - Великий Новгород – 2020. - 24 С., Барбашина, Е. В. Педагогическая стратегия как единица профессионального мышления будущего педагога. В сборнике статей «Медико-социальные проблемы современной России». Выпуск 2. Липецк, 2007. - С. 117 - 125., Гали, Г. Ф. педагогические стратегии и условия деятельности педагогов с одаренными учащимися за рубежом. Автореф.дис...док.пед.наук. -Казань– 2011. - 25 С., Емельянова, И.Е. Педагогическая тактика развития одаренности детей дошкольного возраста: монография [Текст]/ И.Е. Емельянова. - М.: Изд-во «Перо», 2011. ~ 286 с., Петряков, П.А. Концепции и стратегии образовательного менеджмента вуза в контексте мирового опыта: монография / П. А. Петряков. - Петрозаводск: Изд-во ПетрГУ, 2013.- 400 с., Лопаткин Е.В. Педагогические стратегии развития мотивации профессионального выбора студентов педагогического вуза. Автореф.дис...док.пед.наук. - Ростов-на-Дону– 2011. - 24 С.



ОТ-Ф1-049 “Талабаларда ассертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” (2017-2021 йй.) ҳамда Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режалари ҳамда “Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” (2012-2014 йй.) мавзусидаги грант лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** профессионал таълим йўналиши талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик стратегиясини лойиҳалаш асосида такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

иш берувчи талаблари асосида талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлигининг таркибий қисмларини ва зарурий компетенциялари белгилаш;

ҳалқаро педагогик тажрибалар асосида “педагогик стратегия”нинг мазмуни, моҳиятини таҳлил қилиш, профессионал таълим макони, унинг хусусиятлари, функциялари, компонентлари, ташкил этиш тамойилларини аниқлаш ва педагогик жараёни стратегик лойиҳалаштириш;

касбий-педагогик билимларини интеграциялаш, касбий вазифаларни бажариш ва индивидуал импровизациялашга қаратилган дидактик жараёни амалга оширишнинг педагогик стратегиясини лойиҳалаш моделини такомиллаштириш;

профессионал таълим йўналиши талабаларини касбий-педагогик тайёргарлигини лойиҳалашнинг педагогик стратегияси мазмуни ва функционал блокларини ишлаб чиқиш;

педагогик стратегиянинг жорий этишнинг технологик харитасини, креатив таълимга асосланган методларини, таълим натижаларини баҳолашда компетентликнинг комплекс педагогик диагностикаси воситаларини ўз ичига олган дидактик таъминотни ишлаб чиқиш;

талабаларни касбий-педагогик тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимининг таркибий қисмларини аниқлаш ва такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти:** олий таълим муассасаларида талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети:** профессионал таълим йўналиши талабаларини касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг педагогик стратегиясини лойиҳалаштириш мазмуни, шакли, методлари ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари:** мақсадга эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилишда қуйидаги методлар мажмуидан фойдаланилди: психологик-педагогик ҳодисаларнинг тизимли таҳлили, педагогик жараёни моделлаштириш, педагогик жараёни лойиҳалаш вазифаларини мавҳумлаш ва конкретлаштириш ҳамда уларни ҳал қилиш усулини белгилаш, кузатиш, тажриба-синов, суҳбат, ташхислаш, сўровнома, натижалари ўрганиш, натижаларни математик ва статистик қайта ишлаш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлик даражаларининг ижтимоий-шахсий ва касбий-педагогик таркибий қисмларини белгилаш ҳамда касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш сифатига таъсир этувчи ўқув муассасаларининг мавжуд моддий-техник базаси, ўқув дастурларининг мазмуни ва таркибий тузилиши каби шарт-шароитлар аниқланиб, профессионал таълим макони, функциялари, компонентлари педагогик жараёни босқичма-босқич стратегик лойиҳалаштириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларни касбий-педагогик тайёргарлигини босқичма-босқич амалга оширишни таъминловчи педагогик стратегияни лойиҳалаш модели касбий-педагогик билимларни интеграциялаш, касбий вазифаларни бажариш ва индивидуал импровизациялашга қаратилган дидактик жараёни амалга оширишнинг стратегик ҳаракатлари узвийлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

профессионал таълим йўналиши талабаларини касбий-педагогик тайёргарлигини лойиҳалашнинг педагогик стратегияси технологик харитасининг функционал блоклари стратегик босқичлар ва шарт-шароитларни ўзаро уйғунлаштириш, педагогик ва ихтисослик фанларини интегратив мазмунини дидактика принципларига мослаштириш ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолияти траекториясини белгилаш асосида ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасалари талабаларини касбий-педагогик тайёргарлик даражасини баҳолаш усуллари шахсий ва профессионал компетенцияларни баҳолаш кўрсаткичлари (мобиллик, қатъиятлилик, ташаббускорлик, ижодий қобилият, стратегик ва аналитик тафаккур, инновацияга интилиш, ташкилотчилик фаолияти) ҳамда интегративлик, қайтар алоқа ўрнатиш каби ташкилий-функционал имкониятлари асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг касбий компетенциясини ривожлантиришда ҳамкорликка асосланган (collaborative technologies) шахсга йўналтирилган ўқув жараёнини ташкил этишнинг технологик харитаси, креатив таълимга асосланган таълим методлари (мобил таълим, дискуссия, вазиятни имитация қилиш, амалий вазиятларни таҳлил қилиш (case-study)), таълим натижаларини баҳолашда компетентликнинг комплекс педагогик диагностикаси воситаларини ўз ичига олган дидактик таъминот ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

профессионал таълим йўналиши талабаларининг касбий фаолиятга тайёргарлигини педагогик-стратегик лойиҳалашда илғор рақамли педагогик технологиялар ёрдамида методик тизимни такомиллаштириш тамойиллари ва хусусиятларидан келиб чиқиб, талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлигини ривожланганлиги ҳамда билимини назорат қилиш учун “Ўқув жараёнида талабалар билимини баҳолаш учун тест” дастури (Интеллектуал мулк агентлигининг №DГУ 10202 гувоҳномаси) ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

профессионал таълим йўналиши талабаларининг касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлигини ривожлантиришда илмий-инновацион таълим

методлари, воситалари, шакллари такомиллаштириш тамойиллари ва хусусиятларидан келиб чиқиб, талабаларни касбий фаолиятига тайёргарлигини ривожланганлигини узлуксизлиги-узвийлигини таъминлашга қаратилган “Юқори технологияли ишлаб чиқариш соҳаларида ходимлар салоҳиятини шакллантиришга кластерли ёндашув” услубий тавсиялар, “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” фани бўйича электрон ўқув қўлланма дастури яратилган (Интеллектуал мулк агентлигининг №DGU 06810) ҳамда таълим амалиётига кенг жорий этилган;

талабаларнинг касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлигини ривожлантиришнинг педагогик стратегияси, амалга ошириш концепцияси ва технологик хариталари бўйича тавсиялар баён қилинган “Профessional таълим йўналиши талабаларининг касбий фаолиятга тайёргарлигини педагогик стратегиясини лойиҳалаш” номли монография тайёрланган ва амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Қўлланилган тизимли ва интегратив ёндашувлар, методлар, воситалар, назарий маълумотлар, юртимиз ва хорижий олимларнинг тадқиқот натижалари норматив ҳамда расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар ёрдамида асосланганлиги, олинган натижаларни амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти профессионал таълим йўналиши талабаларини касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашда профессионал таълим макони, таълим маконида талабаларни касбий-педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш хусусиятлари, профессионал таълим макони функциялари белгиланди; профессионал таълим йўналиши талабаларини касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг педагогик стратегиясини лойиҳалашда “Педагогик стратегия” тушунчасини мазмунини илмий таҳлиллар асосида очиб берилганлиги ҳамда муаллифлик таърифини берилганлиги; профессионал таълим йўналиши талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг педагогик стратегиясини лойиҳалаш модели, моделни амалга оширишни технологик харитаси ҳамда уларни жорий этиш методикасининг ишлаб чиқилганлиги, назарий ёндашувлар билан бойитилганлиги, касбий-педагогик фаолиятга тайёрлик даражасини баҳолаш технологияси, мезонлари такомиллаштирилганлиги; тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминловчи илмий ёндашувларнинг илгари сурилгани, олий таълим муассасаларида педагогик стратегияни қўллаш асосида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, таълим мазмунини белгилашда иш берувчиларни иштирокини таъминлаш, зарурий компетенцияларни ривожлантириш бўйича илмий-методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўқув жараёнида талабалар билимини баҳолаш учун тест, электрон ўқув қўлланма дастурларининг ўқув жараёнида

қўлланиши талабаларнинг касбий-педагогик фаолиятига тайёргарлигини ҳамда шу асосда педагогик стратегияси, амалга оширишнинг технологик хариталари ёрдамида билим, кўникма ва малакаларни иш берувчи ташкилотлар ҳамда олий таълим муассасаларининг ҳамкорлигининг самарали ташкил этиш бўйича таклиф, тавсия, методикаларини такомиллаштириш билан изоҳланади. Шунингдек, таклиф ва тавсифлар, методикалар ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш, уларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашда инновацион таълим технологияларини қўллаш ва касбий-педагогик тайёргарлигини ривожлантириш методикасини ўқув-услубий таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Профессионал таълим йўналиши талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг педагогик стратегиясини лойиҳалашга оид тадқиқот натижалари асосида:

олий таълим муассасалари талабаларини касбий-педагогик тайёргарлик даражасини баҳолаш усуллари, шахсий ва профессионал компетенцияларни баҳолаш кўрсаткичлари (мобиллик, қатъиятlilik, ташаббускорлик, ижодий қобилият, стратегик ва аналитик тафаккур, инновацияга интилиш, ташкилотчилик фаолияти)ни белгилашга оид таклифлари ҳамда илмий ишланмаларидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Жиззах политехника институтининг ОТ-Ф1-049 “Талабаларда ассертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” (2017-2021 йй.) грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Жиззах политехника институтининг 2021 йил 19 январдаги 02-089-089 маълумотномаси). Мазкур тавсиялар талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлик даражаларини баҳолашда ижтимоий-психологик омилларни белгилаш, такомиллаштирилган ва ўқув дастурлари, методик қўлланмаларни яратишда хизмат қилган;

профессионал таълим йўналиши талабаларини касбий-педагогик тайёргарлигини ривожлантиришнинг педагогик стратегиясини жорий этишнинг илмий-методик таъминоти (ўқув машғулотларининг технологик хариталари, интегратив машғулот ишланмалари, креатив ўқитиш методлари, ҳамкорликда ўқитиш технологиялари, “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” фани бўйича электрон ўқув қўлланма дастури) Наманган муҳандислик-технология институти, Андижон машинасозлик институти ва Жиззах политехника институтида касб таълими йўналишларида жорий этилиб, тажриба-синовдан ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 2019 йил 14 июндаги 06810-сон муаллифлик гувоҳномаси). Педагогик стратегиянинг илмий-методик таъминоти бўлажак профессионал таълими ўқитувчисини тайёрлаш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

профессионал таълим йўналиши талабаларининг касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлигини ривожлантиришга ҳамда профессионал йўналтирилган ва компетентли, мезоний-баҳолаш элементларидан иборат касбий-педагогик тайёргарлик даражасини баҳолаш оид тавсиялар “Ўқув жараёнида талабалар билимини баҳолаш учун тест” дидактик-ахборот таъминоти мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия

вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 2020 йил 10 декабрдаги 10202-сон муаллифлик гувоҳномаси). Мазкур таъминот талабаларнинг касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлигини ривожлантириш, касбга йўналтирилган таълимнинг самарадорлигини ошириш ҳамда “Информатика ихтисослик фанларини ўқитиш методикаси” фанини ўқитишнинг услубий-методик таъминотини такомиллаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика анжуманларида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 37 та илмий ишлар, 2 та монография ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 18 та мақола, шу жумладан, 9 та хорижий, 9 та республика миқёсидаги журналларда чоп этилган ва 2 та Интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация ҳажми 211 бетни ташкил этган, кириш, тўртта боб, хулосалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети шакллантирилган, тадқиқот усуллари ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, эълон қилинган ишлар, диссертация тузилиши маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг “**Олий таълим тизимида профессионал таълим йўналиши талабаларининг касбий фаолиятга тайёрлашни илмий-назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида олий таълим муассасаларида (ОТМ) талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг моҳияти ўрганилган, мамлакатимиз ва хорижий давлатларда олий таълим назарияси ҳамда амалиётида талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммосига асосий ёндашувларнинг компаратив (қиёсий) таҳлили ўтказилган, талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда зарурий компетенциялар таркиби аниқлаб берилиб, профессионал таълим йўналиши талабаларини касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашда профессионал таълим макони, таълим маконида талабаларни касбий-педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш хусусиятлари, профессионал таълим макони функциялари, профессионал таълими маконининг компонентлари, профессионал таълим маконини ташкил этиш тамойиллари ҳамда талабаларнинг касбий-педагогик фаолиятида компетенциявий ёндашувларини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари таҳлил

қилиниб, мавжуд муаммолар аниқланган.

Талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш йўналишлари жаҳон миқёсида тан олинган энг илғор методлар ва йўналишлар билан ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда ўзининг кенг татбиқини кутиб ётган, ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотнинг бошқа соҳалари билан боғлиқ равишда ишлаб чиқилган янги концепция ва назариялари ривожлантирилмоқда. ОТМда талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш йўналиши нисбатан ёш ва кўп соҳаларда ривожланиб бораётган умумий педагогиканинг таркибий қисми сифатида касбий-педагогик ва техник таълимнинг ривожланиши билан ўзаро уйғунликда тараққий этиб бормоқда. Талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг янги босқичини асосий мақсади жаҳон талаблари даражасида янгиланиб бораётган ишлаб чиқариш шароитларига мослаша оладиган, иқтисодиётимизни янги босқичга кўтарадиган мутахассисларни тайёрлаш ва бу жараёнда асосий омил сифатида бериладиган ахборотлар ҳажмини эмас, балки ижодий ёндошувни шакллантириш, мустақил фикрлаш ва татбиқ қилиш сифатларини оширишга эътибор қаратади.




**1-расм. Компетенциявий ёндашув асосида касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш таркибий тузилмаси**

Юқори даражадаги касбга тайёр ОТМ талабасининг малакасига қўйилган муҳим талаблардан бири бўлиб, бу танланган касбий-педагогик соҳада компетентлик даражасини акс эттиради. А.А. Кирсановнинг таъкидлашича,

“ОТМда талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш” бу – талабанинг бўлажак мутахассис сифатида иш берувчининг талабларига мослиги, касбий-педагогик фаолиятда юқори малака ва кўникмага эгаллиги, танланган касбий-педагогик соҳада компетентлиги даражасини акс эттирувчи жиҳат ҳисобланади<sup>8</sup>.

Талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятини тадқиқ этишда илмий таҳлиллар ва хулосалар асосида муаллиф томонидан профессионал таълим йўналиши талабаларининг компетенциявий ёндашув асосида касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш тузилмаси келтирилган (1-расмга қаранг).



**2-расм. Талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг таркибий қисмлари ва унга таъсир этувчи шарт шароитлар**  
У бевосита ўз ичига талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашда

<sup>8</sup> Кирсанов А.А. Процессы дифференциации и интеграции в развитии научного знания // Педагогическая наука Поволжья. -Чебоксары: Изд-во Чуваш. ун-та, - 2005. - №1. - С. 57 - 66.

асосий компетенциявий факторларни олган бўлиб, уларнинг ҳар бирида шахснинг касбий-педагогик фаолиятга тайёрлик имтиёзларига таъсир қилувчи касбий-педагогик мувофиқлиги, касбий ўсиш ва бўлажак педагог тайёрлашни ўз ичига олади. Талабаларнинг касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлигини ривожлантиришнинг иккинчи таркибий элементи бу амалга ошириш босқичи ҳисобланади. Бу мутахассиснинг алоҳида ҳаёт босқичи бўлиб, унда шахснинг касбий-педагогик фаолияти бошланади, унга муайян даромад даражасини ва ижтимоий тан олишни таъминлайди.

Амалга оширилган тадқиқотда талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашда, касбий-педагогик фаолиятга тайёргарликнинг таркибий қисмлари: билим-даражаси, ижтимоий-шахсий ва касбий-педагогик ҳамда талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш сифатига таъсир этувчи шарт-шароитлар аниқланди (2-расмга қаранг).

“Таълим макони” атамаси илмий-педагогик адабиётда нисбатан яқинда пайдо бўлган бўлиб, бирламчи маънода талқин қилинмайди ва бугунги кунга қадар жуда мунозарали бўлиб қолмоқда. Олий профессионал таълими назариясида, шунингдек, ушбу атаманинг мазмун-моҳиятига нисбатан ягона нуқтаи назар мавжуд эмас. Бугунги кунда таълим маконида: талаба шахсининг ривожланиш шарти, талабаларда зарурий компетентликларни ривожлантириш шартлари назарда тутилади.

ОТМда талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашни ривожлантириш, мутахассиснинг касбий шаклланишида педагогик жараён *профессионал-таълим маконида амалга оширилиб*, у ОТМда таълим олиш жараёнида талабанинг шахсий ривожланиш, ўзини ўзи англаши, касбий йўналганлигини аниқлашнинг омили ҳисобланади.

Бизнинг тадқиқотимизда талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришда етакчи омил сифатида профессионал таълимга устувор аҳамият берилади. Бизнинг фикримизча, ОТМда профессионал таълимни бирлаштириш зарурати ОТМ битирувчиси – бўлажак мутахассиснинг касбий-педагогик, шахсий ва компетенциявий фазилатларини шакллантиришдан келиб чиқади.

Тадқиқот давомида, талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришда ОТМ таълим макони қуйидаги ҳолларда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин:

- компетенциявий ёндашувини ривожлантириш бўйича махсус ташкил этилган ўзаро алоқадор профессионал таълим ва тузилмаларни лойиҳалаш;

- таълим, касбий-педагогик, амалий, тадқиқот, инновацион, тарбиявий, бошқарув, иқтисодий ва молиявий унсурларни ўз ичига олган кўп-функционали маконни яратиш;

- талаба-ўқитувчи – иш берувчи ўртасида субъект-субъект ўзаро алоқадорлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи кўп профилли маконни яратиш.

ОТМ профессионал таълим макони моҳиятини тушуниш учун унинг функцияларини белгилаймиз:

1. Умумий функциялар: ўқитиш, малакага тайёрлаш ва тарбиялашни



ривожлантириш.

## 2. Махсус функциялар:

-*ташкилий мувофиқлаштирувчи функция* таълим макони элементларини (блоклари ва модуллари) куриш, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро боғлиқлигини билдиради. Мазкур функция доирасида таълим маконининг яхлитлиги ҳамда узвийлиги муаммоси ҳал қилиниб, у педагогик жараёни ва натижаларни акс эттиради.

-*ташкилий-фаолияти функцияси* таълим жараёни субъектларининг хусусияти, бошқарув ва ўқув жараёнини бажариш, таълим маконининг ташкил этилиши ва фаолияти, унинг ижтимоий ҳамда маданий маконларда тутган ўрни ва ролини акс эттиради.

-*ахборот-аналитик функция* яхлит педагогик жараёни амалга ошириш учун мақсадлар, вазифалар, воситалар, усуллар, шартларнинг аниқ маъносини, шунингдек, таълим маконининг самарадорлигини аниқлашда мустақил муайян таълим муҳитида амалга ошириладиган тўлиқ педагогик феномен мазмунини акс эттиради.

-*башорат қилувчи функция* таълим маконининг натижаларини, таълим макони субъектларининг ишлаши, ўзини ўзи таъминловчи тизим сифатида ривожланиши ва унинг субъектларига киритилган таълим таъсирини *башорат* қилишга имкон беради.

-*назорат функцияси* таълим макони мезонларини ва унинг субъектлари ривожланиши учун таълим, атроф-муҳит ҳамда унинг субъектларининг фаолиятини кузатиш, мониторинг қилиш имконини беради.

Тадқиқот давомида биз ОТМнинг профессионал таълим маконининг асосий компонентларини аниқладик (1-жадвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### ОТМ профессионал таълими маконининг компонентлари

Компонентлар	Вазифалар
Стратегик	- мақсад ва вазифаларни белгилаш, комплекс ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш; - ОТМ фаолиятини стратегик режалаштиришни ишлаб чиқиш; - илмий ва педагогик ходимларнинг малакасини ошириш; - ишлаб чиқариш (ишдан ташқари мутахассислар ва амалиётчиларга жалб этиш - бўлажак мутахассисларни тайёрлашга манфаатдор масъул шахсларни жалб қилиш).
Ташкилий	- талабаларни ўқитиш жараёнини ташкил этиш; - талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаш тизимини ривожлантириш. - ОТМда талаба шахсини тарбиялаш ва кўп қиррали ривожланишини ташкил этиш; - талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаш тизимини ривожлантириш.
Ахборотли	- ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатиш; - дастлабки босқичда талабаларга ОТМга муваффақиятли мослашишларига ёрдам бериш; - ўқув муассасалари ва иш берувчилар билан ўзаро алоқада бўлиш.

Мазмунли	- талабалар ва ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот ва экспериментал, муаммоли-қидирув, ўқув ва тадқиқот, тадқиқот, илмий - амалий, илмий-услубий ишларини ривожлантириш; - олий профессионал таълим инновацион илмий салоҳиятидан фойдаланиш – келажакда мутахассислар тайёрлаш; - ижодкорлик ва инновацион фикрлашни ривожлантириш.
Технологик	- йўналишлар, таълим шакллари, усуллари ва таълим ва воситаларини ривожлантириш; - ўқув жараёнида ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш.
Моддий-техник	- талабаларнинг дастлабки касбий маҳорат ва кўникмаларини шакллантириш. - асосий касбий маҳорат ва кўникмаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш. - асосий касбий маҳорат ва кўникмаларини такомиллаштириш; - касбий ва ижодий йўлни яратиш ва ривожлантириш ; - касбий йўналиш томон барқарор ижобий муносабатни яратиш; - ўқув-услубий базани ривожлантириш; - моддий-техник базани мустаҳкамлаш (ўқув хоналари, лабораториялар, спорт иншоотлари ва бошқалар); - молиявий ва иқтисодий кўмак бериш.
Натижавий	-шахсни таълим ва ўқув жиҳатидан кузатиб бориш - ОТМдаги иш ҳолати ва самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Таълим маконида талабаларни касбий тайёргарлигини ривожлантиришда *амалий ва касбий муҳит* талабанинг касбий тайёргарлиги, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзини ўзи ривожлантириш учун амалий йўналтирилган муҳитни яратиш ҳамда ривожлантиришга эътиборни ўзгартиришни назарда тутати. Таълим маконида талабаларни касбий тайёргарлигини ривожлантиришда амалий қисми касбий вазифаларни бажариш ва "индивидуал импровизация" натижаси ўртасида бир қатор ишларни амалга оширишни назарда тутати. Дарҳақиқат, амалиёт "стратегик ҳаракат" ҳисобланиб, унинг ёрдамида билим, кўникма ва малакалар чегарасида касбий вазифалар ҳал қилинади.

Диссертациянинг **“Профессионал таълим йўналиши талабаларини касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг педагогик стратегиясини лойиҳалаш методологияси”** деб номланган иккинчи бобида профессионал таълим жараёнида талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлигини ривожлантириш учун назарий-услубий асосларни аниқлаш, “педагогик стратегия” тушунчасини замонавий таълимдаги мазмунини ва ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш, “педагогик стратегия”нинг методологик асосларини аниқлаш, мавжуд “педагогик стратегияларни” қиёсий ўрганиш, талабанинг касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг педагогик стратегиясининг асосий жиҳатларини ишлаб чиқиш ва асослаш бўйича тадқиқот вазифаларини ҳал қилиш, талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлигини ривожлантириш ва шакллантиришнинг концептуал асоси сифатида педагогик стратегияни ишлаб чиқиш амалга оширилган.

Педагогик тажрибаларда яқин вақтларгача педагогикада “стратегия” тушунчаси эътибор қаратилмаган. 90-йилларнинг бошида стратегия психология ва фалсафада шахснинг ўзини ўзи англаш дастурларини узоқ

муддатли ва самарали прогнозлаши учун зарур бўлган воситаларни асослашда, мақсадни танлашда, ҳаётий позицияни аниқлашда қўлланила бошлаган.

Ватанимиз олимлари томонидан олиб борилган педагогик тадқиқотларни ўрганиш натижасида айтиш мумкинки, педагогик стратегияни мазмуни, мақсади, илмий асослари ўрганилмаган ҳамда бу тушунчани мазмуни илмий ишларда тўлиқ ёритилмаган. Шу боис, биз тадқиқот ишида “педагогик стратегия” атамасини хорижий тажрибалар асосида ўрганиш ва илмий асослашга эътиборимизни қаратдик. Бунда, таҳлилни стратегия атамасини мазмунини ўрганишдан бошладик.

“Стратегия” тушунчасининг асосий мазмуни, зарур натижага эришиш учун ностандарт шароитда ишлаб чиқилган босқичма-босқич ҳаракат режасини ўз олдига қўйиш дея тушуниш анъанага айланган<sup>9</sup>.

Стратегия батафсил ҳаракатларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши орқали истиқболли мақсадга ёки исталган натижага эришиш учун узоқ муддатли режа<sup>10</sup>.

